



## Muloqot

Савол беринг,  
жавоб берамиз

**Айтинг-чи, транспорт воситасидан фойдаланиш жараёнида автобус ҳайдовчиси етказган зарарни тўлаш мажбурияти кимга юклатилади?**

**Ю.МУРОДОВ,**

Бухоро вилояти, Жондор тумани

— Фуқаролик кодексининг 999-моддасига мувофиқ, фаолият теварак-атрофдаги ошқоча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, санноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва бошқалар) ошқоча хавф манбаи етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олма-салар, тўлаши шарт.

Зарарни тўлаш мажбурияти ошқоча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, ҳужалик юришти ҳуқуқи ёки оператив бошқарув

ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулкий ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва ҳоказо) эгаллик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади.

Қайд қилинган қонун нормасига кўра, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан ушбу транспортдан фойдаланиш жараёнида жиноят содир қилиниши натижасида етказилган зарарни тўлаш мажбурияти транспортга эгаллик қилувчи шахсга юклатилади.

**Кўп қаватли уйда истиқомат қиланган. Ижарада турадиган ён қўшим менга нисбатан бир неча марта ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги сабабли ўтган йили маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Аммо шунга қарамай қўшим ён-атрофдагиларга нисбатан яна ҳурматсизлик кўрсатиб келмоқда. Айтинг-чи, уни бошқа жойга кўчириб юбориш мумкинми?**

**Д.СОБИРОВ,**

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани

— Уй-жой кодексининг 74-моддасига кўра, агар муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонднинг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар турар жойни бузаётган ёхуд шикастланган бўлган ёки ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир квартира ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, бунда оғоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари натижа бермаган бўлса, шунингдек, шартномада узоқроқ муддат белгиланмаган ҳолда ижарага олувчи турар жой ҳақини олти ой тўламаган бўлса, қисқа муддатли ижарада эса, шартномада белгиланган тўлов муддати ўтганидан сўнг икки мартадан ортиқ тўланмаган ҳолда ижарага берувчи

ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича айбдорларни кўчириш бошқа турар жой бермасдан амалга оширилади. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганликлари учун ўз фарзандлари билан бирга яшаш мумкин эмас, деб топилса, улар бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши мумкин.

Бирга яшаш имкони бўлмаганлиги сабабли бошқа турар жой бермасдан кўчирилиши лозим бўлган шахслар ўзлари эгаллаб турган турар жойдан кўчирилиш ўрнига уни манфаатдор тараф кўрсатган бошқа турар жойга алмаштиришга суд томонидан мажбур этилиши мумкин.

Турар жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар бошқа турар жой бермасдан ушбу кодекснинг 70-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда кўчирилади.

**Никоҳланувчи шахсларда текшириш натижасида касаллик аниқланган тақдирда никоҳни қайд этиш мумкинми?**

**Г.АБДУЛЛАЕВА,**

Тошкент вилояти, Чиноз тумани

— Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарори билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, тиббий кўрик Оила кодексига мувофиқ амалга оширилади ва "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида", "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари,

мазкур низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шунга кўра, никоҳланувчи шахслар психик, нарколегик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтади.

Низомнинг 31-бандига асосан, агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки ҳар иккаласида касаллик аниқланган тақдирда, никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

**Амалдаги қонунларимизда тунги вақтдаги иш муддати неча соат қилиб белгиланган?**

**Р.УМРБЕКОВ,**

Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани

— Маълумки, Меҳнат кодексининг 122-моддасига мувофиқ, соат 22-00 дан соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шартло-рига кўра, зарур бўлган ҳоллар-

**Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Ҳамиджон ШАМШИЕВ жавоб берди.**

**(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)**

Бу борада, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун яна бир муҳим омил бўлди.

Мазкур қонун асосида жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди, натижада эса, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазола-ри ўрнига жарима тариқасидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Шунингдек, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар Жиноят кодексининг 11 та моддаси диспозициясида мустаҳкамлангани муҳим аҳамият касб этди.

Натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилган шахслар сони 2014 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди. Жиноий жазоларни либераллаштиришга оид қонун қабул қилинганидан буён жиноят оқибатида етказилган 689 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 30 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганини айтиб ўтиш жоиз.

Ўз навбатида, суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилган ислохотлар тубайли ярашув институтининг жорий этилгани ҳаётиимизда муҳим воқеалик бўлди. Халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, йиқилгани суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадриятларни ўзида мўжассам этган ушбу институт амалда ўзини тўлақонли оқламоқда. Нега деганда, ярашув институти жорий этилгандан буён ўтган давр ичида 166 минг 33 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Бугунги кунда мамлакатимиз қонунчилигида 60 та жиноят тарихи бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти белгиланган. Ваҳоланки, собиқ шўролар замонидан ана ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтади.

Истиқлол шарофати билан ана шундай шафқатсиз, инсоннинг шаъни, қадр-қимматини таҳрирлайдиган тартиб-қоидаларга батамом чек қўйилди. Бугун озод ва обод юртимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг моҳияти шундаки, ҳаётда билиб-билмай хато қилган инсоннинг дарҳол жазога тортиш эмас, балки аввал унга хатосини тўзатиши, ҳаётини тўғри йўлга солиб олиши учун амалий имкон берилиши билан аҳамиятлидир.

Маълумки, мамлакатимизда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш

жазо тури жорий этилди. Гоятда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик бўлган ушбу тарихий воқеа нафақат ўрдошларимиз, балки халққаро ҳамжамиятнинг ҳам эътибори ва эътирофига сазовор бўлгани бежиз эмас.

Нега деганда, эндиликда юртимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш факултетида жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун тайинланади. Айни чоғда, бу жазо тури хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмайди.

Нуфузли хорижий мутахассисларнинг фикрича, бу борада амалга оширилган изчил ислохотлар пирова-

фаза этувчи ва назорат қилувчи идоралар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг ус-турволигини таъминлайди. Қолаверса, тадбиркорлар ўз фаолиятида таваккалчилик асосида фан ютқуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, кўзланган мақсадга эриша олмай, кредитлар юзасидан банклар ва молия ташкилотлари олдидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда, банк ва бошқа молия ташкилотлари ходимларини жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Бундан ташқари ушбу қонун билан Жиноят кодексининг 66-моддасидаги яраш-ганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид моддалар дои-раси янада кенгайтирилди. Хусусан, "Сохта банкротлик",

ий жавобгарликка тортилиб, тайинланган жазони ўтаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояга олинади. Энг муҳими, уларнинг яна тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши учун имкони-ят юзага келади. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларида Президенти-миз томонидан юр-тимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар-нинг туб моҳиятида адолат-ли сиёсат мўжассам экани-ни англаб турибди.

Албатта, ҳаёт шиддат би-лан давом этар экан, мамла-катимизда қонун ижодкорли-гини янада такомиллашти-риш, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, янги қонунлар-ни қабул қилиш давр тақо-сидир. Шу маънода, кейин-ги йилларда мамлакатимиз-ни ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш, инсоннинг

муурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш муддат-лари, кўрмай қолдириш а-сослари, уларни кўриб чи-қилса жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари, давлат органларининг мажбурият-лари қайд этилган.

Қонунда бу борадаги қонун ҳужжатларини бузган-лик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, муурожаат-ларни қабул қилиши қонун-га хилоф равишда рад этиш, ёзма ёки электрон шаклда жавоб юбормаслик маъму-рий ёхуд жиноий жавобгар-ликка сабаб бўлиши белги-лаб қўйилган.

Шунингдек, 2014 йил 4 сен-тябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғ-рисида"ги қонун билан жи-ноят-процессуал қонунчили-гида белгиланган процессу-ал мажбурулов чоралари ти-зимига янги — уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси-нинг киритилиши ҳам исло-хотларнинг мантиқий даво-ми бўлди.

Бинобарин, Жиноят-про-цессуал кодексининг 237-моддасида белгиланган эҳти-ёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳи-моясини янада мустаҳкам-лаш борасида амалга ошири-лаётган ҳуқуқий ислохотлар-нинг узвий давомидир. Бун-дай чора жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мос-лашувига қўлай шароитлар яратиш билан бир қаторда, ноҳўя қилмиш содир этган шахсга ўз оиласи бағрида бўлиб, тегишли хулоса чиқари-б олишга замин яратди.

Бундан ташқари 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республика-сининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғ-рисида"ги қонунга муво-фиқ Фуқаролик процессуал кодексининг бир қатор мод-даларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу ўзгартишларга кўра, энди апелляция шикоятни ёки протести бўйича тушган ишни судда қўриш муддати йигирма кундан бир ойгача узайтирилди. Бу ҳам ўз ўрнида биринчи инстанция судлари қабул қилган қарор устидан тушган шикоят (про-тест)ни қўриш жараёнида тарафларга ўз тушунтириш ва важларни далиллар би-лан асослантириб беришлар-и учун ҳамда судга ишни ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиб чиққан ҳолда адо-латли қарор чиқаришига ёрдам берадиган имкониёт-ларнинг кенгайганидан дало-лат беради.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида ўз аксини топ-ган ўзгартиш ва қўшимчалар-нинг барчаси жамиятимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либерал-лаштириш борасидаги исло-хотларнинг мантиқий даво-мидир. Бу янги нормалар, шак-шубҳасиз, фуқаролик суд ишларини юриштида инсон ҳуқуқ ва эркинликлар-ининг ишончли қафолати бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, бугун ҳар биримиз аввало, амалда-ги қонунларни пухта били-шимиз ва уларнинг ижроси-ни жойларда самарали таш-кил этишни таъминлашга масъулмиз. Чунки қонуннинг моҳиятини чуқур англаш ва унга оғишмай амал қилиш фаолиятимиз муваффақия-тининг қафолатидир.

Шуни унутмаслик керакки, агар ҳар бир фуқаро қонун талабидан яхши хабардор бўлса, уни ҳеч қачон кўр-кўрона равишда бузмайди. Аксинча, қонунни ҳурмат қилиб, қонунга таяниб ва и-тоат этиб фаолият юритади. Буларнинг барчаси жамия-тимизда адолат ва қонун ус-туворлигини таъминлашнинг муҳим омилларидир.

**Кўчкор ТОҒАЕВ,**  
Олий суд раисининг  
ўринбосари

## Islohot va samara

Мустақил суд ҳокимияти —  
инсон ҳуқуқ ва манфаатлари  
ҳимоясининг қафолати

дида Ўзбекистонда энг либе-рал жиноий жазо тизими яратилди. Халқаро эксперт-ларнинг қиёсий таҳлиллари шунини кўрсатмоқдаки, умр-бод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швейцарияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда эса, 19 та жиноят тури бўйича тайинла-ниши мумкин экан.

Шу ўринда бундан беш йил илгари, яъни 2010 йил-да Президентимиз томони-дан парламентга тақдим этилган дастурий ҳужжат — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистон-ни иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ривожлантиришнинг истикболдаги устувор йўна-лишлари аниқ белгилаб бе-рилганлигини алоҳида таъ-кидлаш зарур. Концепцияда, айниқса, қонун ижодкорлиги масалаларига алоҳида эъ-тибор қаратилган.

Президентимиз таъкидла-ганидек, "Маъмурий концеп-цияга мувофиқ, 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциями-зга киритилган тўзатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари дав-лат ҳокимиятининг асосий субъектлари — Ўзбекистон Республикаси Президентини, Олий Мажлис, мамлакат ҳуқумати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этув-чи ва суд ҳокимияти ўртаси-да ўзаро тийиб туриш ва ман-фаатлар мувозанати меха-низмларини янада ривож-лантириш ва оптималлашти-ришни таъминлади".

Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси доираси-да ўтган қисқа даврда 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Олий суд томони-дан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган ва 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган ҳамда 2013 йил 4 январдан расман қучга кирган "Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга алоҳи-да тўхталиб ўтиш жоиз.

Ушбу қонун билан мамла-катимизда амалда бўлган бир қатор қонунларга муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритилди. Хусусан, қонуннинг 2-моддасига кўра, Жиноят кодексининг 41-моддаси алоҳида бешинчи қисм би-лан тўлдирилди. Мазкур янги норма, авваломбор, тадбиркорлик субъектлари-нинг давлат, ҳуқуқни муҳо-

"Банкротликни яшириш", "Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш", "Қонунга хилоф равишда ах-борот тўплаш, уни ошқор қилиш ёки ундан фойдала-ниш" каби жиноий қилмиш-лар ҳам ярашув институти таркибига киритилди.

Бунинг моҳиятини янада содда қилиб тушунтирадиган бўлсақ, ушбу жиноий қил-мишларни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни қоп-ласа, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Юқорида қайд этилган янги қонун билан жорий этилган яна бир муҳим янги-лик шунки, судланганлик хо-лати институти ҳам тубдан ислохот этилди. Маълумки, суд-ланганлик жиноят ҳуқуқининг муҳим институтидан ҳисобланади. Судланганлик шахсининг содир қилган жино-яти учун муайян жазо турига ҳукм этилганликдан келиб чи-қадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жиноят кодексининг 78-моддасида судланганлик ҳолатининг тугалланиши му-датлари белгиланган. Маз-кур кодекснинг 79-моддаси талабига кўра, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бirlашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илти-мосномага кўра, суд Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддат-ларнинг камида ярми ўта-нидан кейин унинг судлан-ганлигини олиб ташлаши мумкин.

Айтиш керакки, янги қо-нуннинг 2-моддаси 3-банди-га кўра, Жиноят кодексининг 79-моддаси қуйдаги ик-кинчи қисм билан тўлдирил-ди: "Ушбу Кодекснинг 178-184, 185-185<sup>1</sup>, 189-192-мод-даларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар-нинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу кодекснинг 78-моддасида на-зарда тутилган муддатлар-нинг камида тўртдан бир қисми ўтгандан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин".

Қонунга бундай ўзгартиш киритилиши — судланган-ликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Ана шу ҳолат-нинг ижобий жиҳати аввало шундаки, қайд этилган мод-далар мазмунига кўра, жино-

ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини қа-фолатли ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор янги қонунлар қабул қилинганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Айниқса, 2014 йил 4 де-кабрда қучга кирган "Жисмо-ний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги қонун манфаатдор шахсларнинг давлат органларига муурожаат этиши тартибини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамият-лидир. Хусусан, янги қонун юридик шахслар муурожаат-ларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабат-ларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирди. Қолаверса, ушбу Қонун ма-зукур соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгар-ликни белгилаш, давлат ор-ганларига, мансабдор шахс-ларга муурожаат қилиш тар-тибини бугунги кун талаба-ри даражасида ташкил этиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Ушбу ҳужжат жисмоний ва юридик шахсларнинг мууро-жаат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва манфаатларини пух-та ҳимоя қилади. Шу билан бирга, уларнинг ариза ва шикоятлар, давлат ва жамия-т фаолиятини такомиллаш-тиришга доир тақлиф ва тавсиялар билан давлат ор-ганлари ва муассасаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига му-урожаат қилиш ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди.

Янги қонунга мувофиқ, юртимизда истиқомат қила-ётган ҳар бир жисмоний шахс, шунингдек, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фу-қаролиги бўлмаган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқи-ши, эътиқоди, шахсий ва иж-тимоий маъқеидан, ҳар бир юридик шахс эса, мулк ша-кинчи қисм билан тўлдирил-ди: "Ушбу Кодекснинг 178-184, 185-185<sup>1</sup>, 189-192-мод-даларида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар-нинг судланганлиги улар давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказмаганда, ушбу кодекснинг 78-моддасида на-зарда тутилган муддатлар-нинг камида тўртдан бир қисми ўтгандан кейин суд томонидан олиб ташланиши мумкин".

Қонунга бундай ўзгартиш киритилиши — судланган-ликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади. Ана шу ҳолат-нинг ижобий жиҳати аввало шундаки, қайд этилган мод-далар мазмунига кўра, жино-



